

**ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК
ИННОВАЦИОН КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аҳмаджанов Илёсбек Илҳомжон ўғли ¹

¹ Наманган давлат университети таянч докторанти

**МАҚОЛА
МА'ЛУМОТИ**

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 10.01.2025

Revised: 11.01.2025

Accepted: 12.01.2025

КАЛИТ СЎЗЛАР:

*рақамли иқтисодиёт,
халқаро ҳамкорликни
ривожлантириш,
рақамли
инфратузилмани
ривожлантириш,
инновацияларга
мойиллик, мобиллик ва
тезкорлик, молиявий
ресурсларни
таъминлаш.*

Жаҳон иқтисодиётининг рақамлашуви кичик ва ўрта бизнес (КВБ) субъектлари, хусусан, инновацион корхоналар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Рақамли технологияларнинг тез суръатлар билан ривожланиши янги имкониятларни яратётган бўлсада, айни пайтда кичик инновацион корхоналар учун янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Ушбу мақолада иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида кичик инновацион корхоналар фаолиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик инновацион корхоналарнинг фаолиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва уларнинг иқтисодиётнинг барча соҳаларига кириб бориши кичик инновацион корхоналар учун янги имкониятлар ва бир вақтнинг ўзида янги чақириқларни ҳам олиб келмоқда.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ва кичик инновацион корхоналар. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018

йил 3 июлдаги "Рақамли Ўзбекистон-2030" дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди [1].

Президентнинг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон "2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" [2] фармонида қуйидаги: 2026 йилгача Ўзбекистон Глобал инновацион индекс рейтингда 56-ўринга кўтарилиши, инновацион ривожланиш стратегияси доирасида иқтисодий рақамлаштириш, илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш каби асосий мақсадлар, инновацион инфратузилмани ривожлантириш, давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнеснинг инновацион фаоллигини ошириш, янги технологияларни яратиш ва жорий этиш, инновацион таълимни ривожлантириш каби стратегиянинг устувор йўналишлари асосий вазифа сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон ҳам глобал рақамли трансформация жараёнларидан четда қолмасдан, миллий иқтисодий модернизация қилиш ва рақамлаштириш бўйича кенг қамровли ислохотларни амалга оширмоқда. Хусусан, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида иқтисодийнинг барча тармоқларида рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот тизимларини яратиш ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўриломоқда. Шу билан бирга, "яшил" иқтисодийга ўтиш ва инновацион ривожланиш стратегиялари орқали мамлакатимизда барқарор ва инновацион тараққиётни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган рақамли трансформация жараёнларининг назарий-методологик асослари, ҳуқуқий меъёрий базаси ва амалий натижалари комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида, айниқса, кичик бизнес субъектларини рақамлаштириш борасида қабул қилинган муҳим қарорлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва кутилаётган натижалари батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда инновацион ривожланишни таъминлаш, илмий салоҳиятни ошириш ва рақамли инфратузилмани такомиллаштириш борасида белгиланган устувор вазифалар ва мақсадли кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Рақамли иқтисодий — бу рақамли технологиялар асосида яратилган иқтисодий фаолият тури бўлиб, унда маълумотлар асосий ресурс сифатида қаралади. Бундай иқтисодийда кичик инновацион корхоналарнинг роли катта, чунки улар янги технологияларни жорий этиш ва инновацион маҳсулотлар яратишда етакчи ҳисобланади [3].

Кичик инновацион корхоналар рақамли иқтисодийда қуйидаги афзалликларга эга:

- Мобиллик ва тезкорлик: Кичик корхоналар бозор ўзгаришларига тез мослашиш қобилиятига эга.

- Инновацияларга мойиллик: Янги ғоялар ва технологияларни жорий этишда фаол.

Рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш: Ахборот-коммуникация технологияларини тез ўзлаштириш ва уларни фаолиятда қўллаш.

Иқтисодиётни рақамлаштириш кичик инновацион корхоналарга икки хил таъсир кўрсатади:

- Ижобий таъсир: Рақамли технологиялар янги бозорларни очиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маркетинг харажатларини камайтириш, маҳсулотлар ва хизматлар сифатини яхшилаш имкониятларини яратади. Онлайн савдо платформалари, электрон тўлов тизимлари, булутли технологиялар, Big Data аналитикаси ва сунъий интеллект каби рақамли воситалар кичик инновацион корхоналарга рақобатбардошлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

- Салбий таъсир: Рақамлаштириш жараёнида кичик инновацион корхоналар қуйидаги муаммоларга дуч келишлари мумкин: рақамли технологияларни жорий этиш учун зарур бўлган молиявий ресурслар етишмовчилиги, малакали мутахассислар етишмовчилиги, киберхавфсизлик таҳдидлари, рақамли саводсизлик ва бошқалар. Шунингдек, йирик корхоналар рақамли технологиялардан фойдаланишда афзалликларга эга бўлиб, кичик инновацион корхоналар учун рақобат муҳитини янада қийинлаштириши мумкин [4].

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида кичик инновацион корхоналар фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги механизмларни такомиллаштириш зарур:

- Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун grantlar ва subsidiyalar миқдорини ошириш ва уларни олиш тартибини соддалаштириш.

- Кичик инновацион корхоналар учун имтиёзли фоиз ставкалари билан кредитлар ажратиш.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт шароитида кичик инновацион корхоналар қатор муаммоларга дуч келмоқда:

- Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги: Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур маблағларни топишда қийинчиликлар.

- Кадрлар етишмаслиги: Рақамли технологиялар бўйича малакали мутахассисларнинг танқислиги.

- Рақобатнинг кучайиши: Жаҳон бозорида рақобатнинг ортиши кичик корхоналар учун қийинчиликлар туғдиради.

- Ҳуқуқий ва меъёрий базанинг етарли эмаслиги: Рақамли иқтисодиётга мос қонунчиликнинг тўлиқ шаклланмаганлиги [5].

Кичик инновацион корхоналарнинг рақамли иқтисодиётда самарали фаолият юритиши учун қуйидаги механизмларни такомиллаштириш зарур:

- Инвестицияларни жалб қилиш: Венчур капитал ва бизнес фаришталарини жалб қилиш орқали инновацион лойиҳаларни молиялаштириш.

- Давлат грантлари ва субсидиялари: Инновацион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш.

Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш

- Таълим дастурларини такомиллаштириш: Рақамли технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлаш учун замонавий ўқув дастурларини жорий этиш.

- Малака ошириш курслари: Ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг рақамли кўникмаларини ошириш учун махсус курслар ташкил этиш [6].

Рақамли инфратузилмани ривожлантириш

- Интернет тармоғини кенгайтириш: Ҳар бир ҳудудда юқори тезликдаги интернетга кириш имкониятини таъминлаш.

- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш: Киберхавфсизлик чораларини кучайтириш орқали маълумотларни ҳимоя қилиш.

Ҳуқуқий базани такомиллаштириш

- Рақамли иқтисодиётга мос қонунлар қабул қилиш: Электрон тижорат, интеллектуал мулк ва ахборот хавфсизлиги соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштириш.

- Солиқ имтиёзлари жорий этиш: Инновацион фаолият билан шуғулланувчи кичик корхоналар учун солиқ имтиёзлари бериш.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

- Тажриба алмашиш: Рақамли технологиялар соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва жорий этиш.

- Экспорт салоҳиятини ошириш: Кичик инновацион корхоналарнинг маҳсулотларини халқаро бозорларга чиқаришда кўмаклашиш.

Хулоса. Иқтисодиётни рақамлаштириш кичик инновацион корхоналар учун катта имкониятлар ва янги таҳдидларни яратади. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш ва таҳдидларни камайтириш учун молиявий ресурсларни таъминлаш,

инновацион инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, ҳуқуқий ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, маркетинг ва савдони ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунинг учун давлат органлари, хусусий сектор ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2018 йил 3 июлдаги "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" <https://lex.uz/docs/5030957>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 02.12.2022 йилдаги ПҚ-436-сон "2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида" <https://lex.uz/docs/6303230>

3. Хашимов Пазлиддин Зукурович, Фахридинова Заринабону Фахриддин Қизи. "ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ" Экономика и финансы (Узбекистан), no. 3 (135), 2020, pp. 157-164.

4. Вишнеvский В. П. (2019) Цифровая экономика в условиях четвертой промышленной революции: возможности и ограничения. Вестник СанктПетербургского университета. Экономика. Т. 35. Вып. 4. С. 606–627. <https://doi.org/10.21638/spbu05.2019.406>

5. Кадиров, Абдурашид & Ахмедиева, Алия & Маъмуров, Бахтиёр. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. 1. 183-190. 10.60078/2992-877X2023-vol1-iss3-pp183-190.

6. Balanova, Milena. (2021). Влияние цифровизации на экономический рост стран на примере России и Китая. Economics 62 p.